

## 2009-2-сон

**Судланганлик ҳолатининг тугалланганлиги аниқланмаганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 25 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган шу суднинг 2006 йил 27 июлдаги ҳукмига кўра, Н. Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми «а» бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган, жазони махсус тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Жиноят кодексининг:

34-моддасида шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмаслиги;

78-моддасида беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач, шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши;

80-моддасида агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши назарда тутилган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари Н.нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган ва унга қонун доирасида жазо тайинлаган.

Иш материалларига кўра, Н. муқаддам Қибрай тумани судининг 1998 йил 8 апрелдаги ҳукмига мувофиқ, Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, 2001 йил 22 августдаги

амнистия актига асосан, 2001 йил 20 сентябрда муддатидан илгари, яъни амалда 3 йил 9 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганидан сўнг жазодан озод қилинган ва кейинги жиноятни 4 йил ўтгандан кейин содир этган.

Бундай ҳолда Жиноят кодексининг 78-моддаси “д” бандига асосан, Н.нинг судланганлик ҳолати тугалланган.

Бироқ суд Н.нинг судланганлик ҳолатининг ўтиб кетганлигига эътибор бермасдан, уни ўта хавфли рецидивист деб топиб, унга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташни белгилаб хатога йўл қўйган.

Шу сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов хайъати 2009 йил 12 мартда Н.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, Н.ни ўта хавфли рецидивист деб топиш қисмини бекор қилди ва Н.га тайинланган махсус тартибли колония турини умумий тартибли колония турига ўзгартирди.

***Назорат иши ЖСХ-40-09***